



**EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!**

# **ILM SARCHASHMALARI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-METODIK JURNALI**



**2018-2**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **Ilm sarchashmalari**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komis  
siyasining FILOLOGIYA va FALSAFA hamda FIZIKA-MATEMATIKA fanlari bo‘yicha doktor  
lik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**2.2018**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2018**



ган маълумотларни анча кўргазмалли кўринишда тасаввур этишга имкон яратади ва ҳар бир кластерни кейинчалик турли методлар билан ўрганишни ташкил қилиш мумкин. Масалан, шундай қилиб таҳлил қилинаётган белгилар бўйича бир-бирига яқин бўлган талабалар ёки профессор-ўқитувчилар гуруҳини жуда тез аниқласа бўлади.

4. Башоратлаш. Нейрон тўрлари объектлардаги турли факторлар, кўрсаткичларни башоратлаш учун фойдаланилади. ОТМда таълим сифатининг динамикасини баҳолаш учун талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг турли характеристикаларини башоратлаш учун қўлланилади. Нейрон тўри ёрдамида олинган башоратларга асосланиб, самарали ечим қабул қилиш тизими шакллантирилади.

Шундай қилиб, ОТМ учун ахборотлашган тизимни яратиш долзарб масала ҳисобланади, айниқса, олий таълимда ўқув жараёнини самарали бошқариш учун муҳим роль ўйнайди. Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, бу олий таълим масканини фаолиятини самарали бошқариш учун ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, бундай ахборотлашган тизимларни куриш жуда кўп ақлий ва амалий меҳнат сарфини ҳамда ахборот коммуникация ва педагогик технологиялари соҳасидаги юқори малакали мутахассисларнинг ягона жамоа бўлиб ишлашини талаб қилади.

**Баходир Ядгаров, Дивора Ядгарова (УрДУ)**

### **СПРИНТЕРЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛГАН ҲОЛДА МАШҒУЛОТ ЮКЛАМАЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

***Аннотация.** Мақолада, қисқа масофага югурувчиларнинг йиллик циклдаги тайёргарлигини режалаштириши ва ташкил этиш масалалари ёритилган.*

***Аннотация.** В данной статье освещается планирование и организация подготовки спринтеров в годичном цикле.*

***Annotation.** In this article it is light up organizing and planning the trainings of sprinters in a yearly cycle.*

***Калим сўзлар:** машғулот юкламалари, қисқа масофага, жисмоний тайёргарлигининг ўсиши, индивидуализириши, юклама ҳажми, жисмоний ривожланиши, режалаштириши, функционал тадқиқотлар, тезкорлик, саралаш, машғулотларни ташкил этиши, воситалари ва методлар, замонавий технология, таълим, малака.*

***Ключевые слова:** тренировочные нагрузки, спринт, прирост физической подготовленности, индивидуальный подход, объём частицы, физическое развитие, быстрота, отбор, организация занятий, методы и средства, современная технология, образование, навык.*

***Key words:** training particle, sprint, growth of physical training, individualize, particle size, physical developing, planning, functional researches, quickness, selection, organizing trainings, methods and means, modern technology, education, practise.*

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Талабаларни жисмоний тарбиялаш ва спорт-соғломлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида (2015 йил 4 сентябрь)”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлар, “Ўзбекистонда оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини, айниқса, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб қилишга оид бир қатор қарорлари ҳамда вазирликнинг буйруқлари асосида олиб борилмоқда.



Бугунги кунда Республикамизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ва маънавий-маърифий ҳаётимиздаги туб ислохотлар таълим-тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларини ҳам мутлақо янгича мазмун, шакл ва воситаларда ташкил этиш, улар учун яратилган мислсиз имкониятлардан яна-да тўлароқ фойдаланиб, ўсиб келаётган ёшларимизни Ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашдек ўта муҳим вазифаларни ҳал қилишга ундайди.<sup>1</sup>

Ҳозирги пайтда енгил атлетикачи югурувчиларнинг йиллик циклдаги тайёргарлигини режалаштириш ва ташкил этиш масалаларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлари бажарилган ва уларда қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг йиллик циклдаги тайёргарлигини режалаштиришга оид айрим масалалар кўриб чиқилган.<sup>2</sup> Ҳар бир спортчининг индивидуал хусусиятларига мувофиқ тарзда юклама ҳажми ва шиддати-нинг оптимал катталикларини аниқлаштириш, катта машғулот циклининг алоҳида босқичларидаги машғулот юкламалари тузилиши ва динамикаси хусусиятларини деталлаштириш зарур.<sup>3</sup>

*1-жадвал*

**Назорат машқларининг 12–18 ёшдаги ўғил бола спринтерларнинг асосий масофадаги натижалари билан ўзаро боғлиқлиги корреляцион матрицаси (О.И.Павлованинг корреляцион матрицаси бўйича, 2003)**

Назорат машқлари	Ёши						
	12	13	14	15	16	17	18
Стартдан туриб 30 м.га югуриш	0,249	0,367	0,341	0,686*	0,849*	0,759*	0,902*
Турган жойидан 30 м.га югуриш	0,785*	0,681*	0,696*	0,775*	0,711*	0,857*	0,883*
Стартдан 60 м.га югуриш	0,395	0,421	0,697*	0,745*	0,867*	0,784*	0,858*
600 м.га югуриш	0,251	0,274	0,385	0,467	0,688*	0,431	0,690*
Теппинг тест	0,705*	0,698*	0,609	0,557	0,678*	0,776*	0,692*
Югуриб келиб узунликка сакраш	0,548	0,612	0,738*	0,781*	0,806*	0,854*	0,823*
Уч хатлаб сакраш	0,385	0,308	0,351	0,496	0,729*	0,716*	0,814*
Жойидан туриб юкорига сакраш	0,618*	0,689*	0,745*	0,729*	0,857*	0,896*	0,820*

*Эслатма: \* - кўрсаткичлар ишончлилиги.*

Ушбу музоамона ўрганиш учун қисқа спринтда (100 м), узоқ спринтда (400 м) ихтисослашувчи спортчилар, шунингдек, турли хил спринтерлик масофаларида ихтисослашувчи спринтерлардан ташкил топган назорат гуруҳи спортчилари иштирокида Урганч Давлат университетининг jisмоний маданият факультетида педагогик тажриба ўтказилди. Жа-

1 Ш.М.Мирзиёев. Буюк ислоҳатчиларимиз билан олижаноб халқимиз билан қураимиз. “Ўзбекистон”, Т., 2017.

2. Мирзаев М.О. Тактика бегга на короткой дистанции: анализ, проблемы, перспективы, современный взгляд на подготовку легкоатлета. Монография. М., 2006, с. 54–64.

3. Янсен.П. Основы управления подготовкой юных спортсменов. М., 2002, с. 63–66.



ми текширилувчилар сони 32 талаба, спорт билан шуғулланиш стажи 3 йилдан 5 йилгача ва II–I разрядга эга бўлганлар. Тажриба гуруҳларини танлаб олиш 2016 йил Фарғона шаҳрида ўтказилган “Универсиада” мусобақаларида қатнашган югурувчи енгил атлетикачилар томонидан кўрсатилган натижалар асосида амалга оширилди. Биринчи тажриба гуруҳини 100 м масофада яхши натижа кўрсатган, юқори даражада тезкорлик сифатларини намоён қилган спринтерлар ташкил қилди. Иккинчи тажриба гуруҳини 400 м масофада яхши натижа кўрсатган ва ҳам тезкорлик сифатларини, ҳам чидамлик сифатларини намоён қила олган спортчилар ташкил этди. Назорат гуруҳини бир вақтнинг ўзида ҳам қисқа спринтда (100 м), ҳам узоқ спринтда (400 м) қатнашган спортчилар ташкил қилди. Жисмоний сифатларни тестлашда биз қисқа масофаларга югуришда ихтисослашувчи ўғил бола спринтерларнинг (12 ёшдан 18 ёшгача) асосий масофадаги натижаси билан назорат машқларининг ўзаро боғлиқлик корреляцион матрицасидан фойдаландик. Ушбу матрица О.И.Павлова (2003) томонидан ишлаб чиқилган. Тестлаш учун ҳар хил масофаларга мўлжалланган ахборотли назорат машқлари танлаб олинди.

Қисқа масофаларга югурувчиларнинг тайёргарлик даврларини ташкил қилиш индивидуал жиҳатдан турли-туман бўлишига қарамасдан, кўп ҳолларда йиллик циклда қуйидаги тайёргарлик турларини ажратиш мумкин: ўтиш, кузги-қишки тайёргарлик, баҳорги тайёргарлик, ёзги мусобақа даврлари. Бундай тайёргарлик циклининг умумий давомийлиги 48–50 ҳафтани ташкил қилади. Ундан ташқари, йиллик циклда 8 та босқични ажратиш мақсадга мувофиқ кўринади. Ҳар бир босқичнинг давомийлиги – 4–6 ҳафта. Машғулот циклининг бундай даврланиши ўқув йилига мос келади.<sup>1</sup> Ишда юкламаларнинг физиологик йўналишини аниқлашда таърифланган тамойиллардан ҳамда миқдорий мезонлардан фойдаланилди. Биз ўзининг физиологик йўналишига кўра, қуйидаги юклама турларини ажратиш олдик: аэроб, аралаш анаэроб-аэроб, анаэроб-гликолитик, анаэроб-алактат. Бундай методик ёндашув югурувчилар юкламаларини 5 та физиологик шиддат зоналарига тақсимлаш имконини беради: 1-тиклантирувчи, 2-ривожлантирувчи, 3-“экстенсив”, 4-субмаксимал, 5-максимал зоналар.

**1-тиклантирувчи зона.** Асосий вазифаси – спортчи организми органлари ва тизимларининг тикланиш жараёнларини тезлаштириш ва уни олдинда турган ишга тайёрлаш. Бу зонанинг асосий физиологик параметрлари: юрак қисқариш частотаси минутига 12–5130 зарбагача, югуриш тезлиги – 4 м/сек.

Асосий воситалар: чигалёзди югуриш, дам олиш танаффусларида югуриш, масофа бўлаклари ўртасида секин югуриш, умумий жисмоний ривожланиш ва тонусни ошириш учун гимнастика машқларини бажариш (сентябрь ойининг иккинчи ярми), яъни тиклантириш хусусиятига эга юкламалар.

**2-ривожлантирувчи зона.** Иш машқланганликни ривожлантиришга ва тикланишга, мушаклар ва танани ҳар томонлама ривожлантиришга ҳамда мушаклар кучини оширишга, шунингдек, таянч-ҳаракат аппаратини тайёрлашга қаратилган.

Бу зонада жуда катта ҳажмда югуриш бажарилади, юрак қисқариш частотаси – минутига 150–155 зарбагача.

Асосий воситалар: узлуксиз, равон югуриш, турли хил бўлақларда ўзгарувчан югуриш. Машғулотнинг асосий йўналиши – чидамликнинг ошишини таъминловчи организмнинг асосий физиологик тизимларини ривожлантириш. Гимнастика машқлари, турли хил сакрашлар, штанга, гиря, гантеллар билан машқлар.

Адабий манбаларидаги маълумотларга мувофиқ югуриш билан энди шуғулланаётган югурувчиларда югуриш тезлигининг 60% га, малакали спортчиларда – 75–80% га тенг, буюк югурувчиларда 92–95% гача бориб етади. Малакали югурувчилар учун юқори шартли чегара тарикасида 4,75 м/сек югуриш тезлиги қабул қилинган (октябрь, ноябрь).

<sup>1</sup> Волков Н.И., Карасев А.В., Разумовский Е.А. Критерии специальной работоспособности и построение тренировок по бегу на короткие дистанции. Монография, М., 2006, с. 32–52.



**3-“жактекси” зона.** Иш чидамлилигининг ошишини таъминловчи тизимларни янада ривожлантиришга йўналтирилган. Бу зонада юрак қисқариш частотаси даражаси минутига 170–175 зарба, ушбу зонада кислород истеъмол қилиш максимумга етади. Малакали спортчилар учун узилмасиз югуришда ва бўлақлардаги югуришда тезлик 5,8 м/сек дан юқори.

Машқларнинг асосий вазибалари – аэроб шиддатни ошириш, таянч-ҳаракат аппаратини мустақиллаштириш, гликолитик қобилиятларни ривожлантириш ва сақлаб туриш. Кросслар, велосипедда юриш, сузиш тавсия қилинади.

Воситалар: суръатли югуриш, бўлақларда такрорий югуриш, 30, 60, 100, 200, 400 м масофа бўлақларида ораликли югуриш. Тезлик бўлақдаги шахсий рекордга нисбатан 80% дан юқори эмас. юрак қисқариш частотаси минутига 120–130 зарба даражасида. Сакровчанлик сифатини ривожлантириш учун асосий воситалар – сакраш машқлари (декабрь-февраль).

**4-субмаксимал зона.** Машғулот фаолияти махсус иш қобилиятини ривожлантиришга ва сақлаб туришга йўналтирилган, юрак қисқариш частотаси минутига 170 зарбадан ошади, ўзига хос хусусияти – аэроб жараёнларнинг оғирлашиши, яъни юракнинг минутлик ҳажми даражасининг пасайиши ҳисобланади.

Асосий воситалар: “узилишли” машқлар методлари ёрдамида бажарилади, тезлашишлар билан югуриш, энг каттага яқин кучланишлар билан машқларни кўп маротаба бажариш, кучланишлар ва бўшашишлар билан бажариладиган машқларни алмашлаш. Шахсий рекордга нисбатан 90–100% тезлик билан 200–400 м масофага такрорий югуриш, энг катта тезликка яқин тезликда 50–150 м масофага такрорий югуриш. Ушбу босқич баҳорги ойларга тўғри келганлиги туфайли (март-майнинг биринчи ярми) машғулот дастурига, спринтерлик югуришдан ташқари, жуда катта ҳажмда тўлдирма тўплар билан машқларни, гиря билан сакрашларни, гантеллар, енгил штанга билан машқларни, турникда ёки гимнастика деворчасида бажариладиган гимнастика машқларини киритиш зарур.

**5-максимал зона.** Иш махсус иш қобилиятини ривожлантиришга ва сақлаб туришга, югуриш суръати ва маромини такомиллаштиришга, тезлик имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Югуриш кўпроқ анаэроб зонада ўтади. Ушбу босқичнинг якуни бўлиб ортиқча кучланишларсиз ҳаракатларни бажара олиш кўникмасини эгаллаш ва яхшилаш, тактика соҳасидаги билимларни ўзлаштириш, ҳаракат техникасини такомиллаштириш ҳисобланади (майнинг иккинчи ярми – июнь-сентябрнинг биринчи ярми).

Асосий воситалар: мусобақадаги тезлик билан югуриш; турли хил масофа бўлақларида максималга нисбатан 80% тезлик билан такрорий югуриш; оёқдан-оёққа кўп марта сакрашлар ва 50 м.гача масофа бўлақларида бир ва бошқа оёқда галма-галдан максимал шиддат билан пойгалар.<sup>1</sup>

Ишлаб чиқилган “тезкорлик” ва “чидамлик” машғулот дастурларида спринтерлар учун биз юқорида номлари зикр этилган муаллифларнинг тамойилларидан ва миқдорий мезонларидан фойдаландик. 100 м.га югурувчилар учун йиллик цикл давомида турли хил йўналишдаги воситаларнинг нисбий ҳажмлари қуйидаги катталиклар билан тавсифланади: анаэроб – 30%, аралаш анаэроб – 25%, аэроб – умумий ҳажмдан деярли ярми – 45%.

100 м масофага югурувчиларда машғулот юкламалари динамикаси ўзига хос хусусиятларга эга. Аэроб юкламанинг катта ҳажми кузги-қишки босқич охирига тўғри келади, кейин эса камайишни бошлайди, лекин йиллик цикл охиригача бир хил даражада туради.

400 м га югурувчиларда турли йўналишдаги юкламаларнинг нисбати 100 м.га югурувчиларда қайд қилинган катталиклардан жиддий фарқ қилади. Кўпроқ анаэроб-алактат

<sup>1</sup> Сафарова Д.Д. Феногенотипические особенности формирования морфотипов у спортсменов различных специализаций на этапе повышения спортивного мастерства. “Педагогика таълим”, Ташкент, 2003, №5, с. 59–61.



таъсирга эга воситалар юкламаларнинг умумий ҳажмига нисбатан тахминан 16% ни, гликолитик таъсирдаги воситалар 23%ни ташкил қилади. Аралаш аэроб-анаэроб йўналишдаги юкламалар умумий вақтнинг учдан бир қисмини – 33%ни, кўпроқ аэроб таъсирга эга юкламалар эса фақат 28%ни ташкил этади.

**2-жадвал**

**100 м масофага югурувчиларни тайёрлашда қўлланиладиган турли йўналишдаги машғулот юкламаларининг параметрлари (“тезкорлик” дастури)**

Давр	Зоналар, % ларда				
	Аэроб – 45% юкламаларнинг умумий ҳажми – 224 км		Аралаш – 25%, ҳажми – 35 км	Анаэроб – 30% – 60 км. Юклама ҳажми – анаэроб-алактат – 47 км. Анаэроб-гликолитик – 13 км	
	Тиклант. Сақлаб турувчи	Ривожлан- тирувчи зона	Экстенсив	Субмаксимал (гликолитик)	Максимал (алактат)
Тайёр- гарлик	10%	10%	12%	4%	14%
Мусобақа	12%	13%	13%	2%	10%
Йиллик циклда	22%	23%	25%	6%	24%

**3-жадвал**

**400 м масофага югурувчиларни тайёрлашда қўлланиладиган турли йўналишдаги машғулот юкламалари параметрлари (“Чидамлилик” дастури)**

Давр	Зоналар, % ларда				
	Аэроб – 28% 138 км		Аралаш – 33% 162,6 км	Анаэроб – 39% 182,2 км	
	Тиклант. Сақлаб турувчи	Ривожлан- тирувчи	Экстенсив	Субмаксимал (гликолитик) – 1113 км	Максимал (алактат) – 70,9 км
Тайёр- гарлик	5%	5%	13%	17%	13%
Мусобақа	10%	8%	20%	6%	3%
Йиллик циклда	15%	13%	33%	23%	16%

Машғулот юкламаларининг қабул қилинган таснифланишига мувофиқ тайёргарлик босқичлари бўйича бажарилган иш ҳажмлари таъсир қилиш вақти ва югуриш юкламалари километражи кўрсаткичларида ҳисоблаб чиқарилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, турли хил масофаларга югурувчилар учун машғулот жараёнини тузиш амалиёти турли шиддатдаги ва йўналишидаги юкламаларни бажаришда мушак фаолиятини энергия билан таъминлашнинг биоэнергетик механизмларини ҳисобга олишга асосланган.

Қисқа спринтда (100 м), узоқ спринтда (400 м) югурувчилар учун уларнинг етакчи сифатлари – тезкорлик ва чидамликка урғу берган ҳолда йиллик циклда машғулот жараёнини ташкил этишнинг оптимал методикаси ишлаб чиқилди.

Қисқа масофаларга югурувчиларнинг йиллик цикл давомидаги машғулот фаолияти таҳлили қуйидаги хулосага келишга имкон беради. Ишлаб чиқилган машғулот дастурлари деярли тўлиқлигича бажарилди. Машғулот жараёни ушбу кўрсаткич учун, аввал, ишлаб



cheklangan sport formasiga erishish qonuniyatlari asosida tashkil qilinadi, tajriba guruhi bilan klassning va masofaviy tayёrgarlikdagi ta’lim qilingan belgilar b’ycha qisqa vaqtning “oqibida” dinamika sifatida rejalashtirilgan k’rsatkichlarga mos keladi.

Nodira Toyirova (Urganch davlat universiteti litseyi)

## “ONA TILI” FANI YO‘NALISHIDA SINFDAN TASHQARI ISHLAR ASOSIDA O‘QUVCHILAR OG‘ZAKI NUTQINI O‘STIRISHNING ZAMONAVIY USULLARI

*Annotation.* Ushbu maqolada “Ona tili” fani yo‘nalishida sinfdan tashqari ishlar asosida o‘quvchilar og‘zaki nutqini o‘stirishda qanday amaliy mashg‘ulotlarni o‘tkazish maqsadga muvofiqligi ta’kid va tavsiyalar asosida keng yoritib berilgan.

*Annotation.* В статье представлен широкий обзор теоретических и практических предложений о том, как вести устную речь в области родного языка на основе внеклассных занятий.

*Annotation.* This article provides a broad overview on practical and practical suggestions on how to conduct the oral speech in the field of the mother tongue on the basis of extracurricular activities.

*Key words:* pedagogical technology, “Ifoda topish”, “Loto” o‘yini, “Zanjirni uzma”, “Cho‘qqini zabt et” o‘yini, “Muammoli vaziyat”, “Arra” usullari.

*Ключевые слова:* педагогическая технология, игры: “Находить выражение”, “Лотерея”, “Не резать цепь”, “Побеждать пик”, метод: “Загадочная ситуация”, “Пила”.

*Key words:* pedagogical technology, games: “Find expression”, “Lottery”, “Don’t cut chain”, “Conquer peak”, methods: “Enigmatic situation”, “Saw”.

Nutqiy faoliyatda har bir til hodisasining o‘z o‘rni, o‘z vazifasi bor. Yoshlar til imkoniyatidan vaziyatga qarab foydalanish malakasiga ega bo‘lishlari, o‘z fikrini aniq ifodalashga, zarur bo‘lgan so‘z va gap shakllari, ibora va tasviriy ifodalarni tanlay va qo‘llay bilishlari davr talabidir. Buning uchun ona tili o‘qituvchisi o‘z ixtisosligini puxta bilishi, ilg‘or pedagogik texnologiyalar hamda zamonaviy o‘quv-texnik vositalaridan yaxshi xabardor bo‘lishi lozim. Shundagina ta’lim samarasi ham, o‘qitish darajasi ham yuqori bo‘ladi.

“Ona tili” fani o‘qituvchilarining ilg‘or tajribasi shundan dalolat beradiki, to‘g‘ri tashkil qilingan sinfdan va maktabdan tashqari ishlar o‘quvchilarning olgan bilimlari sifatini yaxshilashga yordam beradi. Ularning amaliy malaka va ko‘nikmalarini chuqurlashtiradi, ularning ijodiy aktivliklarini, tashabbuskorligini oshiradi va ma’naviy qadriyatlarimiz, mehnatga nisbatan chuqur hurmat ruhida tarbiyalashga yordam beradi. Maktab va litseylarda bu ishning tobora yangi tashkiliy shakllari: to‘garaklar, fakultativ kurslar, o‘quv markazlari, kutubxonalar, ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar, quvnoqlar va zukkolar konkurslari va shu kabilar paydo bo‘la boshladi.<sup>1</sup>

“Ona til” fani yo‘nalishida sinfdan tashqari ishlar asosida o‘quvchilar og‘zaki nutqini o‘stirishda quyidagi amaliy mashg‘ulotlarni o‘tkazish maqsadga muvofiqdir:

- og‘zaki nutqni rivojlantirish uchun bog‘lanishli matnlar tuzdirish;
- namoyish etilgan turli slaydlarga izohlar yozish;
- ijodiy mashqlar, she‘rlar, hikoyalar yozish;
- rasmga qarab matn, hikoya tuzish;
- imloviy xatolar bilan yozilgan so‘zlarning to‘g‘ri variantini yozish;
- magnit tasmasiga yozib olingan matnlarni eshitish va esda saqlab qolganini yozish;
- kichik ta’limiy diktant va lug‘at diktantlar yozish;
- o‘quvchilarni badiiy adabiyotlar o‘qishga chorlash;

<sup>1</sup> Jalolova L. Ona tili va adabiyot darslarida yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etish bo‘yicha tavsiyalar. Andijon, 2007, 17-bet.



## MUNDARIJA

### 2018-YIL – FAOL TADBIRKORLIK, INNOVATSION G‘OYALAR VA TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

C.Гулямов. Проблемы перехода Узбекистана на инновационный путь развития.....3

#### 9-FEVRAL – BUYUK O‘ZBEK SHOIRI, MUTAFAKKIR, DAVLAT ARBOBI NIZOMIDDIN MIR ALISHER NAVOIY TAVALLUD TOPGAN KUN

M.Юлдашева, Г.Аллаберганова. Академик лицейларда Алишер Навоий лирикасини ўргатишда график  
организмлардан фойдаланиш усуллари.....8

#### 14-FEVRAL – O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTINING YIRIK VAKILI, SHOIR, TARIXCHI, DAVLAT ARBOBI ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR TAVALLUD TOPGAN KUN

C.Маткаримова, M.Маткаримова. Ким етар максадга ҳар ким, бўлса ул бедоррок.....12

M.Юлдашева, M.Пирназарова. Бобур шеъриятида лирик қахрамон руҳияти тасвири.....16

### TIBBIYOT

З.Янгигаев, Д.Батиров, А.Рахимов, Д.Юсупов. Эндохирургия ва робот.....19

Р.Каримов. Замонавий енгил автомобиль саломидаги шикастланишларнинг контактли жароҳатлар  
хусусияти.....24

К.Шукурлаев, Р.Курбаниязова. Побочные действия некоторых нестероидных противовоспалительных  
препаратов.....27

M.Авезов. Диагностическая ценность белка р53 при полипозном этмоидите.....31

O.Садуллаев, Р. Каримов, Н.Курвандурдиева. Дисбактериоз: вчера, сегодня и завтра.....34

### QISHLOQ XO‘JALIGI

И.Абдуллаев, С.Абдурахмонов. Ноанъанавий ўғит – тупроқ малҳами.....38

C.Бабажанова, А.Ғойибназарова, M.Юсупова. Хоразм вилояти ўтлоки-аллювиал тупроқларида янги ва  
истикболли кузги бугдой навларининг ўсиши ва ривожланишига маъданли ўғитлар меъерининг таъсири...44

### FALSAFA

У.Язданов. Жамоатчилик фикри узлуксизлигини таъминлаш услублари.....47

M.Рахимова. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асариди ахлоқий-фалсафий қарашлар.....50

Қ.Қабулов. Глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда миллий ва умуминсоний  
манфаатларни уйғулаштиришнинг аҳамияти.....53

### TILSHUNOSLIK

Ш.Искандарова, M.Шокирова. Ўзбек ва француз тилларидаги “спорт” архисемали лексемаларнинг  
семантик таҳлили.....57

Д.Хайдарова. Испан тилида неологизмларнинг деривацион имкониятлари.....60

### ADABIYOTSHUNOSLIK

M.Матқулиева. “Шаҳриёр” эпосидаги мотивларнинг “Ойпарча” достонидаги талқини.....64

G.Saparbayeva, G.Kunusov. Shekspir asarlari tarjimasida badiiy ifoda vositalarining saqlanishi.....69

### PEDAGOGIKA

Д.Юсупов. Таълим сифатини таҳлил қилишнинг ахборотлашган тизимини яратишда сунъий нейрон  
тўрларини қўллаш.....73

Б.Ядгаров, Д.Ядгарова. Спринтерларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда индивидуал  
хусусиятларини эътиборга олган ҳолда машғулот юктамаларини режалаштириш.....76

N.Toyirova. “Ona tili” fani yo‘nalishida sinfdan tashqari ishlar asosida o‘quvchilar og‘zaki nutqini o‘stirishning  
zamonaviy usullari.....81

У.Рахимова. Инглиз тили дарсларида талабаларнинг гапириш кўникмасини ривожлантиришда мулоқот  
компетенциясининг роли.....83

G.Khasanova. Vocational Education Systems of Uzbekistan, Japan and South Korea: Its Essence.....86

### ILMIY AXBOROT

O.Matqurbonov, U.Ibragimov. Tarixiy antropologiyada yangi termin: milliy identiklik, uning xususiyatlari va  
ko‘rinishlari.....92

M.Jumaniyozova, X.Qosimova. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida bilish jarayonlarini shakllantirish.....95

Ш.Авезметова. Мактабгача ва бошланғич таълимни мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....97